

**Юқори инстанция судининг кўрсатмалари мажбурийлиги ҳамда жабрланувчининг апелляция инстанцияси судида иштирок этиш ҳуқуқи бузилганлиги суд қарорининг бекор бўлишига сабаб бўлган.**

Жиноят ишлари бўйича Сиёб туман судининг 2004 йил 30 январдаги ҳукмига кўра, Ж. Самарқанд вилоят РШТТЁМСФда жарроҳ вазифасида ишлаган даврда, 2003 йил 22 февраль куни шифохонага мурожаат қилган ҳомиладор бемор Қ.ни кўрикдан ўтказиб, унга нотўғри ташҳис қўйиб, уни даволаш учун лапоротомия, икки стволли сигмастомани қуйиш операциясини амалга ошириш зарурлигини айтиб, операция қилган ва бунинг эвазига унинг отаси А.дан товламачилик йўли билан 50.000 сўм беришни талаб қилиб ва ундан 20.000 сўм олган. Сўнгра, Ж. А.га қизининг ҳаёти қолган 30.000 сўм пулни олиб келиб беришига боғлиқлигини айтиб, пулни қолганини бермаса қизини даволаб бўлмаслигини билдирган. Бундан ташқари, 2003 йил 23 февраль куни ҳам Ж. фуқаро А.дан товламачилик йўли билан 2 килограмм гўшт ва 2 дона нон талаб қилиб олганликда;

Ж. ўз касбига нисбатан бепарво муносабатда бўлиб, 2003 йил 22 февраль куни 1976 йилда туғилган бемор Қ.ни тиббий кўрикдан ўтказиб, унга асосланмаган ва нотўғри ташҳис қўйган ҳамда кейинчалик ҳам касби юзасидан ўзига юклатилган вазифаларни бажармаганлиги оқибатида Қ.нинг аҳволи оғирлашиб, 2003 йил 28 февраль куни касалхонада вафот этишига сабабчи бўлганликда ЖК 116-моддасининг 3-қисми, 214-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилиб, ЖКнинг 57,59-моддалари тартибида муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда ахлоқ тузатиш иши жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 30 майдаги ажрими билан ҳукм бекор қилиниб,

Ж.нинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли жиноят иши ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан тугатилган.

Бироқ апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан ЖПК 402, 497<sup>б</sup>-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 10-банди талабларига риоя қилинмай, иш апелляция инстанцияси судида муҳокама қилиш учун тайинланганлиги ҳақида тарафлар тегишли тартибда огоҳлантирилмаганлиги, уларга апелляция инстанцияси судида иштирок этиш ҳуқуқлари тушунтирилмаганлиги, тарафларга иш материаллари билан танишиб чиқиш ва ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни кўчириб олишларига имконият яратилмаганлиги сабабли ишни қайта расмийлаштириш учун биринчи инстанция судига юбориш чорасини кўрмаганлиги;

натижада иш бўйича жабрланувчи А.нинг апелляция инстанцияси суд, мажлисида иштироки таъминланмаганлиги, жабрланувчи А. жиноят иши юзасидан Ўзбекистон Республикаси суд тиббиёт экспертиза бош бюроси томонидан берилган судга оид комиссия экспертiza хулосаси билан таништирилмай, унинг қонуний ҳуқуқлари бузилганлиги;

юқори суд кўрсатмаларининг мажбурийлиги ҳақидаги ЖПКнинг 495-моддаси талабларига риоя этмай, иш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2006 йил 11 январдаги ажримда қайд этилган талабларни тўлиқ бажармаганлиги;

судланган Ж.нинг кўрсатмалари қанчалик ҳақиқатга яқинлигини текширмаганлиги, жабрланувчи А. ва гувоҳларни сўроқ қилиш йўли билан ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқламаганлиги, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларида юзага келган қарама-қаршиликларни

бартараф этмаганлиги сабабли жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди раёсатининг 2006 йил 19 июлдаги қарори билан Ж.га оид иш юзасидан чиқарилган апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, иш янгитдан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

***05-101-06-сонли қарор***